

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ
«ҲУҚУҚШУНОСЛИК» КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

Битирув малакавий иши

Мавзу: Терговни режалаштириш техникаси ва режа шакллари

Бажарди:

Қобилов Санжар Равшанович,

5380100-юриспруденция таълим йўналиши,

4-курс 402-гурӯх талабаси

Илмий раҳбар:

Ф. О. Собиров

Наманган - 2012

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	2-6
1-боб. Тергов тушунчаси, турлари мақсад ва вазифалари.....	7-33
1.1.Тергов ҳаракатлари тушунчаси.....	7-10
1.2.Тергов ҳаракатларининг турлари ва тизими.....	10-15
1.3.Тергов ҳаракатларининг ҳуқуқий асослари ва шартлари.....	16-20
1.4.Тергов ҳаракати иштирокчилари.....	21-26
1.5. Президент И.А.Каримов асарлари, маърузаларида Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини юритишда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш масалалари.....	27-33
2-боб. Терговни режалаштириш ва ташкил этиш.....	34-40
2.1.Терговни режалаштириш ҳамда ташкил этиш тушунчаси ва вазифалари.....	34-37
2.2. Режалаштириш принциплари ва турлари.....	37-40
3-боб. Терговни режалаштириш.....	41-46
3.1. Режалаштириш ҳужжатлари.....	41-46
Хулоса.....	47-50
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	51-57

Аннотация

Ушбу битирув малакавий ишида терговни режалаштириш техникаси ва режа шакллари ёритиб берилган. Тадқиқотда тергов ҳаракатлари тушунчаси, тергов ҳаракатларининг турлари ва тизими, тергов ҳаракатларининг ҳуқуқий асослари ва шартлари, тергов ҳаракати иштирокчилари, терговни режалаштириш ва ташкил этишнинг ҳуқуқий тартиби ўз ифодасини топган.

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарлигида республикада суд-ҳуқуқ ислохотлари Конституциямизга биноан босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Конституция нормаларидаги ғоялар мазмуни, судларни ихтисослаштириш, жиноий жазо тизимини либераллаштириш, ўлим жазосини бекор қилиш, санкция бериш ҳуқуқини судларга олиб бериш йўналишларидаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг ташаббускори, ижодкори ва муаллифи шахсан Президентимизнинг ўзлари бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган вақтдан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдек муқаддас ишга киришилди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон, деган фикрни биз илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»¹, деган эди. Мамлакатимизда рўй бераётган барча ўзгаришлар мезонига фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари асос қилиб олинди.

Айтиш жоизки, тергов масаласи жиноят процесси фанининг энг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир. Ҳозирги вақтда жиноятчиликка қарши курашишнинг илмий асосларини ишлаб чиқаётган ҳуқуқ фанлари тобора ривожланиб бормоқда. Дастлабки терговни юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар бирининг ҳуқуқ ва мажбурияти, шунингдек процессуал ҳолати билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳар томонлама, тўла ва холисона, объектив равишда ҳал қилиш, энг аввало уларнинг жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ўртасида тутган ўрни ва бажарадиган вазифаларини аниқлаб, белгилаб олиш шарт ва зарур. Бунинг учун эса умуман жиноят процессида дастлабки тергов тушунчаси ва уни юритишга ваколатли шахсларнинг ваколатлари, дастлабки терговни юритиш шартлари, уларнинг таснифи нималардан иборат эканлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш лозим бўлади. «Ўзбекистон Республикасида дастлабки тергов қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, шахснинг ҳуқуқларини кафолатлаш босқичи сифатида жиноят процессининг энг муҳим босқичи ҳисобланган ва шундай бўлиб қолади.»²

Шунинг учун ҳам жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда, жазо муқаррарлиги таъминлашнинг амалда ижро этилишини таъминлашда фан ва техника ютуқларидан, замонавий криминалистика техникалари воситаларидан ҳамда илмий тавсиялардан кўпроқ ва самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Айтиш жоизки, йилдан-йилга такомиллашиб бораётган криминалистика соҳаси бугунги кунда жиноятларни фош этиш, айбдорларни аниқлаш ва дастлабки терговнинг сифати ва самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги энг муҳим, самарали ва инсонпарвар йўналишлардан бири бўлиб жиноятларни олдини олиш ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов бу боради «Биз инсон улғайиб, фаол турмушга киришиб, жиноят қилганда ёки қонунни бузгандагина у содир этган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан муваффақиятли кураша бошлаймиз. Вақт ўтгач, бундай салбий ҳолатга қарши курашгандан кўра, аввал-бошдан бундай қонун бузилишларининг олдини олган яхши эмасми?»¹, деган фикрни билдирган.

Шу боисдан мазкур битирув малакавий ишида терговни режалаштириш техникаси ва режа шакллариининг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилишга қарор қилинди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: Ўзбекистон. 1993. –Б.120.

² Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Правоохранительные органы. –Т.: ТДЮИ, 2003, с.351.

¹ Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидани «Адолат - қонун устиворлигида» - Т.: Ўзбекистон, т.10, б 51.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзу юзасидан бугунги кунга келиб атрофлича илмий-амалий изланишлар олиб борилган. Бу борада хорижий олимлардан Белкин Р.С., Зорин Г.О., Дулов А.В., Вандышев В.В., Винберг А.И., Гаврилов А.К., Гапанович Н.А., Громов Н.А. ва бошқаларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади³.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан эса Абдумажидов Ғ., Иноғомжонова З.Ф., Норбоев А., Рустамбоев М.Х. ва бошқалар тергов эксперименти ўтказишнинг процессуал тартиби юзасидан бир қатор изланишлар олиб боришган⁴.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Малакка ишининг асосий мақсади терговни режалаштириш техникаси ва режа шакллари илмий, назарий, амалий жиҳатдан ўрганиб чиқиш, уларни илмий таҳлил қилиш ва чинакам одил судловни таъминлашга хизмат қиладиган таклифлар, хулосалар, мулоҳазаларни шакллантиришдир.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- тергов тушунчаси ва унинг моҳияти ҳамда аҳамиятини ёритиб бериш;
- Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини таҳлил этиш;
- терговни режалаштиришнинг процессуал тартибини атрофлича тадқиқ этиш;
- терговни режалаштириш техникаси ва режа шакллари аҳамиятини батафсил ёритиб бериш;
- терговни режалаштириш техникаси ва режа шакллари тактикасини ўрганиш;

Битирув малакавий иши объекти бўлиб, терговни режалаштириш техникаси ва режа шакллари аҳамияти билан боғлиқ процессуал ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Мазкур битирув малакавий ишининг **предметини** терговни режалаштириш техникаси ва режа шакллари ва унинг жиноят-процессуал ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи ҳуқуқий қонунчилик ҳамда ушбу қонунчилиқни такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатнинг ташкил топиши ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фундаментал асарлари, маърузалари, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз билан бир қаторда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари тадқиқотнинг илмий ўрганиш асосини ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг норматив негизини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги жиноят-процессуал ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг норматив ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган жиноят-процессуал масалаларга

³ Белкин Р.С. “Курс Криминалистики” 1-том М. 1997 г., Зорин Г.О. “Теоритические основы криминалистики” Минск “Амалфея” 2000г., Дулов А.В. “Криминалистика” Минск 1998 г., “Криминалистика” учебник под редакцией Н.П.Яблокова Изд “Бек” М.1996 г., Белкин Р.С. Теория и практика следственного эксперимента. М.: 1959., Белкин Р.С., Белкин А.Р. Эксперимент в уголовном судопроизводстве. М.: 1997., Вандышев В.В. Уголовный процесс. Курс лекций. - СПб.: Питер, 2002. - б 528.- (Серия «Учебники для вузов»), Винберг А.И. “Криминалистика” 1950., Гаврилов А.К. «Раскрытие преступлений на предварительном следствии» 1983., Гапанович Н. Н. Опознание в следственной и судебной практике (тактика). Минск, 1978., Громов Н.А. Уголовный процесс России: Учебное пособие. М.: Юристъ, 1998.

⁴ Криминалистика дарслик. “Адолат” нашриёти. Тошкент 2003 й. 1,2-қисм проф. Абдумажидов Ғ.А, доц. А. Норбоев, доц. Р.А. Алимова ва бошқалар., Проф. М.Х. Рустамбоев, доц. А. Норбоев “Криминалистика схемалар” Т. ТДЮИ. 2002 й., Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (доц. Иноғомжонова З.Ф. нинг умумий таҳрири остида). - Т., 2002. «Янги аср авлоди». - 384 б., Жиноят процесси дарслиги (Махсус қисм) Иноғомжонова З.Ф. умумий таҳрири остида - Т.: ТДЮИ, 2003. - 380 б., Иноғомжонова Ш.Х. Жиноят процессида далиллар тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. Илмий-амалий қўлланма. Т.: Адолат, 2003. - б 178.

доир муайян ҳужжатлари ташкил этади. Тадқиқот натижалари бўйича чиқарилган хулосалар ва таклифлар амалдаги жиноят-процессуал қонуни нормаларининг таҳлилига асосланади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Битирув малакавий иши ҳозирги кунда бўлаётган ислохотлар моҳиятидан келиб чиқувчи муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ўз ичига қамраб олишини эътиборга олиб, уни баён этишнинг турли усуллари қўлланилади. Жумладан, мазкур ишда тарихий, қиёсий, ҳуқуқий, мантиқий ва изчилликка асосланган таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Мавзу оддий ҳамда тушиниш учун қулай булган усулда ифода этилиб, унда халқаро, чет элда ҳамда миллий қонунчилигимизда учрайдиган юридик терминлардан имкон қадар камроқ фойдаланилди. Баъзи сўз ва ибораларни кенгроқ шарҳлаш мақсадида саҳифа остига ҳаволалар қилиниб, уларга изох ва тушинтиришлар берилди.

Битирув малакавий ишида Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ғоялар ва амалга оширилиши мўлжалланаётган таклиф ҳамда мулоҳазаларидан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, тадқиқотда илгари сурилган қоидалар жиноят процесси ва криминалистика фанининг тегишли институтларини бойитишга ва янада мукаммаллаштиришга хизмат қилади. Иш натижаларидан ҳақиқатни аниқлаш муаммоларини ўрганиш ва уни янада такомиллаштиришда назарий асос сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, унда жиноят-процессуал қонунчиликни ислох қилиш юзасидан қатор илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар киритилган. Ишнинг назарий қоидалари ва хулосаларидан ўқув, услубий ва илмий адабиётларни тайёрлашда, шунингдек, ўқув жараёнида фойдаланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малака иши кириш, учта боб ва уларга тегишли параграфлар, хулоса қисми, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

1-боб. Тергов тушунчаси, турлари мақсад ва вазифалари

1.1. Тергов ҳаракатлари тушунчаси

Тарихимизга кириб келаётган бу буюк марра муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз киёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда⁵.

Тергов ҳаракатлари жиноят процессининг ғоят мунозарали, долзарб масалаларидан биридир. Муайян жиноят иши юзасидан процессуал фаолиятнинг таркибий қисми бўлган процессуал ҳаракатлар ичида тергов ҳаракатлари кўпчилик қисми ташкил этади. Қолаверса, жиноят - процессуал фаолият субъектларининг асосий мақсади жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан ва пировардида ҳақиқатни аниқлашдан иборат экан, ҳар бир ҳолатни тасдиқловчи маълумот ва ашёга тергов ҳаракатлари воситасида далил мақоми берилади.

«Тергов ҳаракатлари» атамаси айнан қандай ҳаракат эканлиги тўғрисида олимлар ўртасида яқдил фикр мавжуд бўлмасдан, юридик адабиётларда турли маъноларда қўлланилади. Бу эса тергов ҳаракатлари атамасини тушунишда муайян қийинчиликларга олиб келиши шубҳасиз. «Тергов ҳаракатлари» атамаси ҳақида тушунча ва таърифларни таҳлил қилиб, мазкур атамани шартли равишда кенг ва тор маъноларда қўлланилади дейиш мумкин.

«Тергов ҳаракатлари» атамаси кенг маънода қўлланилганда дастлабки терговда ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган жиноятни тергов қилиш билан боғлиқ барча процессуал ҳаракатлар тушунилади⁶.

Адабиётларда «тергов ҳаракатлари» атамаси тор маънода қўлланилганда бевосита далиллар йиғишга ва текширишга қаратилган ҳаракатлар назарда тутилган. Далилларни тўплаш ва текшириш усулларига нисбатан «тергов ҳаракатлари» атамасининг қўлланилиши жиноят процесси назариясида кўп маротаба эътироф этилиб, тергов ҳаракатларини исбот қилиш усуллари аниқлаштириш учун қўллаш керак деган фикрлар етакчилик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят - процессуал кодексининг 7, 36, 37, 39, 73, 135, 329, 339, 340, 343, 352, 353, 355, 357, 364, 371, 377, 382 ва бошқа кўплаб моддаларида «тергов ҳаракатлари» атамаси айнан далилларни тўплаш ва текшириш воситалари (усуллари)ни аниқлаштириш учун қўлланилган.

«Тергов ҳаракатлари» атамаси тор маънода қўлланилганда жиноят ишини қўзғатиш, мажбурлов чорасини қўллаш, айб эълон қилиш каби процессуал ҳаракатлар тергов ҳаракатлари тизимига киритилмайди.

Шу жумладан, терговчининг барча процессуал ҳаракатларини ҳам тергов ҳаракати деб бўлмайди. Чунки, терговчининг фаолияти тергов ҳаракати деб ҳисобласак, биз тергов ҳаракатлари деб атайдиган процессуал ҳаракатлар суд томонидан ҳам амалга оширилишини назардан четда қолдирмаслик керак, гарчанд у қонуннинг айрим жойларида “суд ҳаракати” деб номланган бўлса-да. (Масалан ЎЗР ЖПКнинг 570 - моддаси).

Тергов ҳаракатлари тушунчаси баъзида дастлабки тергов билан аралаштирилади.

Дастлабки тергов бу жиноят процессининг босқичларидан бири бўлиб, ўзида жиноят содир қилган шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш,

⁵ Каримов И.А. «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси» 2010й 22 ноябрь.

⁶ Қаранг: Уголовный процесс / Гуценко К.Ф.нинг таҳрири остида. М.: 1998. б 206-.

жиноятни тез ва тўла очиш, фош қилиш мақсадида иш учун аҳамиятли ҳолатларини аниқлаш учун асос бўладиган далилларни йиғиш, текшириш ҳамда баҳолашга қаратилган, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир бўлишига олиб келган ҳолатлар ва сабабларни аниқлаш, уларни бартараф қилишга, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашга қаратилган чораларни олиб боришга қаратилган суриштирув ва тергов органларининг фаолиятини акс эттиради.

Жиноят ишини тергов қилиш ва ҳал этиш учун аввало қонун талаблари асосида далилларни йиғиш, жиноят содир қилган шахсни таъқибга олиш ва ишга айбланувчи тариқасида жалб қилиш, кейинчалик бу шахснинг тергов ҳамда судда қатнашишини таъминлаш учун унга нисбатан тегишли чоралар кўриш талаб қилинади. Мана шу ҳаракатлар жиноят процессининг дастлабки тергов деб аталган босқичини ташкил этади.

Тергов ҳаракатлари нафақат дастлабки тергов босқичида, балки, суриштирув ва судда, қолаверса ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш ҳаракатлари жиноят иши кўзғатилгунга қадар ҳам ўтказилиши мумкин.

Тергов ҳаракатларига жиноят-процессуал баҳо берадиган бўлсак, улар бир томондан дастлабки терговнинг асосий қисмини ташкил этса, бошқа бир томондан далилларни тўплаш ва текшириш тизимида асосий бўғинни эгаллайди.

Тергов ҳаракатларининг аҳамияти далилларни тўплашнинг асосий усуллари эканлигидан иборатлиги боис, улар жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда ҳам асосий усул ҳисобланади. Тергов ҳаракатлари қатъий, батафсил ишлаб чиқилган шаклга эга ва давлат мажбурловини қўллаш кучи билан таъминланади.

Биз қуйида, кейинги мавзуларда “тергов ҳаракатлари” атамаси орқали Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87 - моддасида кўрсатилган ва X - XXV боблари бағишланган далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган исбот қилиш усуллари ҳусусида сўз юритамиз.

Шундай қилиб, тергов ҳаракатлари бу - далилларни йиғиш ва текширишнинг қонун билан тартибга солинган ва давлат мажбурлов кучини қўллаш имкониятлари билан таъминладиган усуллари.

1.2. Тергов ҳаракатларининг турлари ва тизими

Тергов ҳаракатлари турли мезонларга кўра тавсифланади.

Тергов ҳаракатларини таснифлаш С.А. Шейфер томонидан тадқиқ қилиниб, тергов ҳаракатларини билиш усули, маълумотни олиш усули ва объектларни намоён бўлиш мураккаблигига кўра турларга бўлинади⁷.

Тергов ҳаракатлари билиш усулига кўра:

- 1) сўров шаклидаги тергов ҳаракатлари;
- 2) кузатув шаклидаги тергов ҳаракатлари;
- 3) кузатув ва сўров шаклидаги тергов ҳаракатларига бўлинади.

Сўров шаклидаги тергов ҳаракатларида шахсда далил бўла оладиган маълумотлар мулоқот ёки сўзлашув (сўраш) йўли билан олинади. Бунга мисол қилиб сўроқ қилиш, юзлаштириш тергов ҳаракатларини кўрсатиш мумкин.

Кузатув шаклидаги тергов ҳаракатлари муайян объект ёки жараённинг ташқи белгиларини ёки улардаги ўзгаришларни кузатиш орқали ўтказилади. Мисол тариқасида гувоҳлантириш, олиб қўйиш эксперимент тергов ҳаракатларини кўрсатиш мумкин.

Кузатув ва сўров шаклидаги тергов ҳаракатлари бир вақтда билишнинг иккала усули: ҳам кузатув, ҳам сўров билан ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ҳисобланади. Бунга кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш мисол бўлади.

⁷ Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. М.: 2001. ст 73 - 88.

Билиш усуллари жиноят изларига боғлиқ ва улар тергов ҳаракатларининг процессуал шаклига сезиларли таъсир этади. Масалан, кузатув усули қўлланиладиган вақтда ҳолисларнинг иштироки объективлик гарови сифатида талаб қилинади.

Маълумотни олиш усулига кўра тергов ҳаракатлари:

- 1) маълумотларни бевосита олишга асосланган тергов ҳаракатлари;
- 2) яширин маълумотларни махсус мутахассислар ёрдамида, яъни билвосита олишга асосланган тергов ҳаракатлари.

Маълумотларни бевосита олишга асосланган тергов ҳаракатларида терговчи (ёки тергов ҳаракатини ўтказётган бошқа шахс) маълумотларни шахсан ўзи бевосита қабул қилади ва қайд қилади.

Яширин ахборотни мутахассислар ёрдамида билвосита олишга асосланган тергов ҳаракатларида далил сифатида олинadиган маълумотни олиш учун махсус билим талаб қилинади. Экспертиза тайинланиши лозим бўлган ҳолларда, фақатгина экспертиза орқали далиллар олинади. Амалдаги жиноят - процессуал қонунчиликнинг мазмунига кўра экспертиза тайинланиши лозим бўладиган ҳолатларда терговчининг тадқиқотни ўтказиш ва маълумотни олиш қобилияти борлигидан қатъи назар экспертиза тайинланиши шарт.

Тергов ҳаракатларининг фанда мазкур мезон асосида таснифланиши тартиби, маълумотни олиш усулига кўра бир-бирига ўхшаш тергов ҳаракатларининг қандай ҳолатда ўтказилишини аниқлашга ёрдам беради. Мисол учун бир ҳолат юзасидан тергов эксперименти ё гувоҳлантириш ўтказиш ёки экспертиза тайинлаш керакми? - деган саволларга маълумотни олиш усулига кўра тергов ҳаракатлари турларга ажратиш орқали жавоб олиш мумкин. Чунки мазкур таснифлаш юқорида санаб ўтилган тергов ҳаракатлари ўтказиладиган ҳолатларнинг чегарасини белгилаб беради.

Объектларининг мураккаблигига кўра тергов ҳаракатлари икки гуруҳга бўлинади. Булар:

- 1) бир объектга қаратилган тергов ҳаракатлари;
- 2) бир неча объектга қаратилган тергов ҳаракатлари.

Бир объектга қаратилган тергов ҳаракатларида маълумот манбаси бўлиб битта объект хизмат қилади ва бир мазмундаги ҳаракатлар амалга оширилади. Мисол учун сўроқ қилишда бир шахс сўроқ қилинади. Кўздан кечиришда фақат кузатилиб, маълумотлар олинади. Тинтув ва олиб қўйишда эса далилий ашёлар топилади.

Бир неча объектга қаратилган тергов ҳаракатларида маълумот манбалари ёки олиш усуллари бир нечта бўлади. Юзлаштириш тергов ҳаракатида маълумот манбаси сифатида икки шахснинг кўрсатувлари таққосланади. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишда ҳам шахс сўроқ қилинган бўлади, ҳам унинг кўрсатувлари объектив ҳолат билан текширилади.

Тергов ҳаракатлари ўзининг мақсадига кўра:

- 1) далилларни тўплашга қаратилган тергов ҳаракатлари;
- 2) далилларни текширишга қаратилган тергов ҳаракатларига бўлинади.

Далилларни тўплашга қаратилган тергов ҳаракатларида ҳали ўрганилмаган объект хусусида маълумот олинади. Сўроқ қилиш (такроран, қўшимча ва қайта сўроқ қилишлар бундан мустасно), олиб қўйиш, тинтув ва бошқалар.

Далилларни текширишга қаратилган тергов ҳаракатларида олдин тергов ҳаракатлари орқали бошқа бир тергов ҳаракатида йиғилган далилнинг ҳақиқий ҳолатга мос келиши текширилади. Булар юзлаштириш, эксперимент ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларидир. Шунинг учун бундай тергов ҳаракатларини амалга оширишдан олдин дастлабки керакли далилларни тўплаш зарур бўлади.

Булардан ташқари, фанда тергов ҳаракатларини таснифлашда уларни ўтказиш пайтига кўра (бошқа процессуал ҳаракатларга нисбатан) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари тури ажратилиб кўрсатилади.

Жиноят процесси назариясида “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати” тушунчаси кўплаб илмий тортишувларга сабаб бўлади. Чунки олимлар бундай тергов ҳаракатларини турли хил талқин қилиб, уларга мансуб тергов ҳаракатларини ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб белгилайдилар.

Айрим олимлар “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари”ни криминалистик тушунча деб билиб, жиноят тергов қилиш тактикасига кўра жиноят ҳали совумаган изларидан далилларни олиш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларнинг зарурий бирламчиларини, яъни кечиктирилмаган ҳолда (агар тезкорлик билан олиб борилмаса, далилларнинг йўқолиши, сохталаштирилишига олиб келиши мумкин) ўтказиладиган тергов ҳаракатларини тушунадилар⁸.

Бошқа олимлар эса кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини жиноят - процессуал тушунча деб таъкидлаб, жиноят ишини кўзғатиш вақтига нисбатан, қолаверса жиноят – процессуал қонунчилигида айнан “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари” сифатида кўрсатилган тергов ҳаракатларини кўрсатадилар⁹.

Яна бир гуруҳ процессуалист олимлар “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари”нинг икки жихатини кўрсатиб, уни ҳам криминалистик, ҳам жиноят-процессуал тушунча деб ҳисоблайдилар¹⁰.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг рўйхати ва ҳажми ҳақида сўз юритилмаган.

Жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширадиган суриштирувчи ёки терговчи ўз иш юритувидаги жиноят ишининг мураккаблигидан ва жиноятнинг криминалистик гуруҳга мансублиги ва унинг бошқа таркибий хусусиятларидан келиб чиқиб, барча тергов ҳаракатлари орасидан “кечиктириб бўлмайдиган”ларини ўзи танлаб олади. Шунинг учун ҳам, бизнингча, қонун чиқарувчи кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг рўйхатини қатъий белгиламасдан тўғри қилган. Чунки муайян ҳодиса юзасидан айнан қайси тергов ҳаракатлари кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари бўлишини олдиндан белгилашнинг имкони йўқ.

Тергов ҳаракатлари тизими хусусида жиноят - процессуал назариясида ҳали хануз мунозаралар ва янглиш фикрлар мавжуд. Айрим ҳолда тергов ҳаракатлари сирасига гумон қилинувчини ушлаб туриш, мулкни хатлаш кабиларни киритса, бошқа бир ҳолларда масалан: телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тергов ҳаракатларига киритилмайди¹¹.

Амалдаги жиноят - процессуал қонунчилигимизда қуйидаги тергов ҳаракатлари мавжуд:

- 1) сўроқ қилиш;
- 2) юзлаштириш;
- 3) таниб олиш учун кўрсатиш;

⁸ Масалан: ўзбек тилида чоп этилган Жиноят процесси (махсус қисм) дарслигида шу мазмундаги фикрни кўриш мумкин. (Қаранг: Жиноят процесси (махсус қисм) доц.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида Т: «Янги аср авлоди» 2003 й., бет 22.). Бир гуруҳ рус олимлари томонидан чоп этилган адабиётларда шундай фикрни кузатиш мумкин: (қаранг: «Уголовно - Процессуальное право Российской Федерации» под общей ред. проф., заслуженного, деятеля науки Российской Федерации П.А. Лупинской (издание второе, переработанное и дополненное) Изд.Юристь., М., 1997й., бет 250.; «Уголовно - Процессуальное право Российской Федерации» под общей ред., проф., заслуженного, деятеля науки Российской Федерации П.А. Лупинской (издание третье, переработанное и дополненное) Изд.Юристь., М., 1998й.,ст 285 - 286..)

⁹ Мисол учун А.К. Гаврилов кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг махсус жиноят - процессуал институти мавжуд дейди. (Қаранг: Гаврилов А.К. «Раскрытие преступлений на предварительном следствии»1983й., ст 96-.)

¹⁰ Н.П. Яблоков ушбу тушунчани иккала маънода ҳам қўлланилиши мумкинлигини таъкидлайди. (Қаранг: Яблоков Н.П. Проблемы расследования и предупреждения преступлений в области охраны труда и техники безопасности. Автореф. докт. дисс. М., 1972 й., бет 20 .)

¹¹ Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов/ 2 - е изд. Под. Обш. Ред. А.В. Смирнова. СПб.: Питер, 2005. - 387 – бет 388

- 4) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- 5) олиб қўйиш;
- 6) тинтув;
- 7) кўздан кечириш;
- 8) гувоҳлантириш;
- 9) мурдани эксгумация қилиш;
- 10) эксперимент ўтказиш;
- 11) экспертиза тадқиқотлари ўтказиш учун намуналар олиш;
- 12) экспертиза ва тафтиш тайинлаш;
- 13) тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш;
- 14) телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиб туриш йўли билан тўпланади.

1.3. Тергов ҳаракатларининг ҳукуқий асослари ва шартлари

Тергов ҳаракати ўтказишнинг қоидалари уларни тартибга солувчи жиноят - процессуал нормаларда акс этади. Жиноят процессида судга қадар иш юритишда тергов ҳаракатларини ўтказишда Жиноят – процессуал кодексининг 9 - 25 – бобларидаги нормалар қўлланилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят процессининг суд босқичларида тергов ҳаракатларини ўтказишда эса ушбу нормалар бирга тергов ҳаракатини суд томонидан ўқазилишига доир нормалар ҳам амал қилади.

Тергов ҳаракатларига бағишланган нормаларни уч гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳолларини тартибга солувчи нормалар;
- 2) тергов ҳаракатлари процессуал тартибини белгилаб берувчи нормалар;
- 3) тергов ҳаракатлари ўтказишни тасвирловчи нормалар.

Мана шу уч гуруҳдаги нормалар тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг процессуал шаклини белгилаб беради.

Тергов ҳаракатлари процессуал шаклининг биринчи элементи уларни ўтказишнинг шартлари ҳисобланади. Улар умумий ва махсус шартлардан иборат.

Тергов ҳаракатлари ўтказишнинг умумий шартлари. Тергов ҳаракатлари ўтказишнинг умумий шартлари асосан қуйидагилар:

а) Жиноят иши қўзғатилган бўлиши керак (ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза бундан мустасно (ЖПК, 329 – модда, 2 - қисм).

б) тергов ҳаракатини ўтказишга ваколатли субъектнинг мавжуд бўлиши (монесиз иштирок этадиган ва қонунда белгиланган тартибда ишни ўз юритувига қабул қилган шахс);

в) тергов ҳаракатининг ўтказилиш вақти ва жойи.

Тергов ҳаракатини ўтказиш жойи, яъни, тергов қилиш жойи ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилик (ЖПК, 346 - модда) билан аниқланади. Зарур ҳолларда тергов ҳаракатлари бошқа жойларда, терговчининг шахсан ўзи бориши ёки алоҳида топшириқ бериши билан амалга оширилади.

Тергов ҳаракатлари тунги вақтда, яъни кеч соат 22 - 00 дан эрталаб соат 6 - 00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно (ЖПКнинг 88 - моддаси 2 - қисми 3 - банди).

Тергов ҳаракатларини ўтказишнинг махсус шартлари. Тергов ҳаракатларини ўтказишнинг махсус шартлари деганда муайян ҳолатда зарурий тергов ҳаракатини тўғри танлашга йўл қўядиган махсус шарт - шароитлар назарда тутилади.

Улар сирасига энг аввало, тергов ҳаракати ўтказиш учун асослар: айнан шу ҳаракатлар ёрдамида муайян далил турини олиш зарурати тўғрисида маълумот (фикр) нинг мавжудлиги ҳисобланади. Асос сифатида аниқ маълумотлар, баъзи ҳолларда раҳбар шахснинг кўрсатувлари бўлиши мумкин (Мисол учун муайян тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида терговчи ёки суриштирувчига прокурорнинг берган кўрсатувси).

Тергов ҳаракатининг асосларини нотўғри аниқлаш тергов ҳаракатларини ноқонуний равишда бирининг ўрнини иккинчиси билан алмаштиришга сабаб бўлади. Амалиётда гувоҳлантириш ўрнида юзлаштириш, экспертиза ўрнида тергов эксперименти, эксперимент ўрнида эса, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатлари ўтказилганлиги ва шунга ўхшаш ноҳуш ҳолатларни учратиш мумкин. Бу ҳолатларда тергов ҳаракатлари асоссиз ўтказилган ҳисобланади ва уларнинг натижалари ўзининг далилий кучини йўқотади.

Тергов ҳаракатларининг махсус шартларига, шунингдек, улар иштирокчиларининг доирасига ва уларнинг ҳукуқий мақомига эълон қилинадиган талабларни ҳам киритиш мумкин. Улар *мажбурий ва факультатив бўлишлари мумкин*. Баъзи ҳолларда тергов

ҳаракатлари иштирокчиларининг мажбурий доираси қонун томонидан ҳам белгиланган, масалан, айрим тергов ҳаракатида ҳолисларнинг ва таржимон ва ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар Жиноят - процессуал кодексида кўрсатилган.

Айбланувчини сўроқ қилиш учун айблов эълон қилинганлиги, таниб олиш учун кўрсатишда таниб олувчи шахсни таниб олиш учун кўрсатиладиган шахс ёки предмет хусусида, уни қайси белгиларига кўра таниб олиши тўғрисида сўроқ қилиш махсус шартлардан ҳисобланади. Экспертиза ўтказиш учун гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг ҳимоячиси экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан дастлабки танишуви махсус шарт бўлиб хизмат қилади. (ЖПК, 179 – модда, 1 - қисм)

Махсус шартларнинг мавжудлигини қонун тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисидаги ёзма шаклда расмийлаштирилган қарорда акс эттириш талаб қилинади (бу тергов ҳаракатининг юридик асоси деб аталади).

Терговчи қарорига кўра мурдани эксгумация қилиш гувоҳлантириш, тинтув, олиб қўйиш, экспертиза (шу жумладан, экспертиза олдига қўйилган саволлар) ўтказиш ва бошқалар амалга оширилади.

ЖПКда белгиланган айрим ҳолларда давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарорига ёхуд суднинг ажримига кўра амалга оширилиши қўшимча равишда назарда тутилади (ЖПК, 89 – модда, 1 - қисм).

Тергов ҳаракатларининг иккинчи элементи бу уларнинг процедураси, яъни терговга тегишлилик ва тергов ҳаракатини ўтказишнинг усуллари ҳисобланади. Тергов ҳаракатини ўтказиш бир неча босқичлардан иборат:

Биринчи босқич – тайёрлов босқичи. Бунда тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва расмийлаштирилади, тергов ҳаракати ўтказишни таъминлаш бўйича чоралар кўрилади.

Иккинчи босқич процесс иштирокчиларини тасдиқлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тергов ҳаракати вазифалари ва ўтказиш тартибини тушунтириш билан боғлиқ. Шахсни тасдиқлаш фақат ҳужжат бўйича эмас, таниб олиш йўли билан амалга оширилиши мумкин (агар терговчи билан процесснинг ушбу иштирокчиси олдиндан таниш бўлса, бошқача усулда таниб олиш учун кўрсатиш қўлланилиши мумкин). Муайян тергов ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Гувоҳ, жабрланувчи ва мутахассис (агар кўрсатув бераётган бўлса) кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик тўғрисида огоҳлантирилади. Эксперт ва таржимон била туриб ёлғон хулоса ва била туриб нотўғри таржима қилганлиги учун огоҳлантирилади.

*Учинчи босқич*ни билиш усуллари ва тадбирлари ташкил этади.

*Тўртинчи босқич*да эса тергов ҳаракати ва натижалари қайд қилинади.

Барча тергов ҳаракатлари учун Жиноят - процессуал қонунчилик уларни ўтказишнинг қуйидаги қоидаларини белгиланган:

- уларни ўтказиш чоғида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва қўриқлаш чораларини кўриш (ЖПК, 18 - модда ва 88 – модда, 1 - қисм);
- шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр - қимматини камситувчи хатти - ҳаракатлар содир этмаслик (ЖПК, 88 – модда, 2 – қисм, 1 - банд);
- зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга ҳилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришишга йўл қўйилмаслиги (ЖПКнинг 88 – модда, 2 – қисм, 2 – банд);
- тунги вақтда, яъни кеч соат 22 - 00 дан эрталаб соат 6 - 00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш мумкин эмаслиги (ЖПК, 88 – модда, 2 – қисм, 3 – банд).

Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно;

- Тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда, шахсни яланғоч қилиб ечинтириш билан боғлиқ бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсадаги шахсни иштирок этмаслиги (ЖПК, 88 – модда, 2 -қисм);

- шахсларнинг шаъни ва қадр - қимматини ҳурмат қилиш, шунингдек ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр - қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилмаслиги (ЖПК, 17 – модда, 1 - қисм);

- тергов ҳаракатлари ўтказиш чоғида ҳам айблов, ҳам оқлов характеридаги далилларни йиғиш (ЖПК, 22 - модда);

- ЖПКнинг 90 - 92 - моддаларига асосан баённома юритилиши ва бошқалар.

Тергов ҳаракатлари процессуал шаклининг учинчи элементи – уларни таъминлаш чораларидир. Тергов ҳаракатлари ўтказишнинг қоидалари, шартлари ва асослари тўғрисида процессуал нормаларни бузиш салбий оқибатларга сабаб бўлади. Таъминлаш чоралари процесс иштирокчилари учун мажбурлов чоралари, жарима, ҳаттоки жиноий жавобгарлик чоралари бўлиши мумкин.

1.4.Тергов ҳаракати иштирокчилари

Тергов ҳаракатлари ўтказишда фуқаролар ва мансабдор шахслар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, гумон қилинувчи, айбланувчи, химоячи, жабрланувчи, вакиллар, қонуний вакиллар, гувоҳлар, эксперт, мутахассис, холислар ва бошқалар иштирок этадилар. Ушбу иштирокчиларнинг барчаси кўпқиррали, мураккаб фаолиятни амалга оширадилар.

Тергов ҳаракатлари ўтказиш чоғида процессуал фаолиятда ҳар бир иштирокчининг «улуши» унинг процессуал мақоми билан ўлчанади. Тергов ҳаракатларини ўтказиш чоғида иштирокчиларнинг ҳукукий мақоми: а) иштирокчининг исботлашдаги ўрни; б) терговчи томонидан далилий маълумотларни олиш процессида амалга оширадиган функцияси; в) тергов ҳаракатига жалб қилинишининг мажбурий ёки мажбурий эмаслиги билан белгиланади.

Иш учун аҳамиятли барча ҳолатларни аниқлаш мажбуриятига эга бўлган исбот қилиш субъектлари терговчи, тергов қилишда қонуний асосларга кўра иштирок этадиган бошқа шахслар, яъни суриштирувчи, суриштирув органининг бошлиғи, тергов бўлимининг бошлиғи, прокурорлар ҳисобланади. Ҳокимият фаолиятини амалга ошира туриб ушбу шахслар тергов ҳаракатининг боришига раҳбарлик қиладилар ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширадилар. Терговчи ёки унинг вазифасини амалга оширувчи шахс тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади, бошқа иштирокчилар билан ҳукукий муносабатга киришади, уларнинг ҳуқуқларини ва мажбуриятларга амал қилишларини таъминлайди, иштирокчиларнинг хатти - ҳаракатларини тегишли мақсадга йўналтиради, тергов ҳаракатлари ўз вақтида, қонуний ва самарали ўтказишнинг бутун масъулиятини ўз бўйнига олади.

Тергов ҳаракатларининг қолган барча иштирокчилари ҳукукий мақомига кўра :

1) жиноят процессида шахсий ва вакиллик манфаатларига эга бўлган ва исботлаш субъекти сифатида иштирок этадиган шахслар;

2) исботлаш субъекти бўла олмайдиган шахслар гуруҳларига бўлиш мумкин.

Бундай таснифлаш тергов ҳаракатларида гумон қилинувчининг, айбланувчининг, жабрланувчи ва уларнинг қонуний вакилларининг, ҳимоячининг, жабрланувчи вакилининг (агар иштирок этаётган бўлса, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг) муҳим ҳолатни эгаллаганлигини қайд этади. Мазкур шахслар тергов ҳаракатларига жалб қилинганлигидан ёки тергов ҳаракатида иштироки бошқача мазмун касб этишидан қатъи назар терговчи ўзининг қаршисида кенг ҳуқуқларга эга бўлган исбот қилишнинг субъекти турганлигини ёддан чиқармаслиги керак. Ҳар қандай тергов ҳаракати ўтказилганда ушбу шахсларнинг ҳукукий ҳолати, сўроқ қилиш, кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатлари тўғрисидаги нормалар доирасидаги тартиб билан белгиланади. Агарда айбланувчи, гумон қилинувчи ва жабрланувчилар сўроқ қилинганда терговчи кўрсатув бериш мазкур шахсларнинг ҳуқуқлари, жабрланувчи учун эса мажбурият эканлигини назарда тутиши керак. Бундан шу нарса келиб чиқадики, терговчи ҳуқуқларни амалга ошишини таъминлаши шарт. Санаб ўтилган шахслар эса ўзлари зарур ҳисоблаганларини маълум қилишлари – кўрсатув бериб, терговчи уларни сўроқ қилишни талаб қилишлари мумкин.

Ҳар қандай тергов ҳаракатида айбланувчи, гумон қилинувчи ва жабрланувчи, унинг вакили (агар иштирок этаётган бўлса) исбот қилиш субъекти сифатида мақомидан келиб чиқадиган ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари керак. Бу фикр ашъвий далилларни, турар жой ва биноларни кўздан кечириш тўғрисидаги нормаларда аниқ шаклда баён қилинган: айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолатларга қаратиш ҳуқуқига эгадирлар. Табиийки, бунда улар нарса ва ҳужжатларни олиш ва ишга қўшиш, аҳамиятли ҳолатларни баённомада қайд қилиш тўғрисида илтимослар қилишлари мумкин. Исбот қилиш субъектларининг ҳуқуқлари улар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги боис юқорида санаб ўтилган шахслар дастлабки терговда жуда фаол фаолиятни амалга оширадilar. Уларнинг барчаси, жумладан, дастлабки терговда иштирок этаётган ҳимоячи ва жабрланувчининг вакили терговнинг исталган вақтида нарса ва ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Айбланувчи (гумон қилинувчи) ва жабрланувчидан фарқли равишда ҳимоячи исбот қилишда ўз манфаатларини эмас, балки гумон қилинувчининг ва айбланувчининг манфаатларини ҳимоя қилади. Унинг фаолият мақсади - айбланувчини оқлайдиган ва унинг айбини енгиллаштирадиган, гумон қилинувчи томонидан жиноят содир қилинганлик тўғрисидаги тахминларни инкор қиладиган ҳолатларни аниқлаш бўлиб, тергов ҳаракатида иштирок этиш шаклини ҳам белгилайди. Қонунда айбланувчи ва гумон қилинувчи иштирок этадиган тергов ҳаракатларида ҳимоячининг иштирок этишга ҳақли эканлиги белгиланган. Ушбу шахсларни сўроқ қилишдан олдин ҳимоячи ўзининг улар билан яқка ҳолда учрашиш ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳимоя қилиш тактикасини муҳокама қилиб олади. Айбланувчи ва гумон қилинувчи шахсларни сўроқ қилинишига қатнашиб, ҳимоячи терговчи рухсати билан саволлар билан мурожаат қилади, баённомага керакли қўшимча ва ўзгартиришларни киритишини сўрайди, баённомада акс эттирилган маълумотларнинг тўлалиги ва тўғрилигини тасдиқлайди. Бизнинг фикримизча, терговчи ҳимоячининг илтимосномасига кўра ҳимоя остидаги шахс қатнашмаган бошқа тергов ҳаракатларни амалга оширишда ҳам ҳимоячи иштирок этишга йўл қўйиши керак: жабрланувчининг гувоҳни, экспертни сўроқ қилишда. Бундай фикрнинг келиб чиқиши ҳимоячининг тергов тугаганидан сўнг қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ва уларда иштирок этиш ҳамда улар тасдиқланган ҳолларда тергов ҳаракатларини ўтказишда фаол

иштирок этиб, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва мутахассисга савол бериш ҳуқуқига асосланган.

Кўздан кечириш, гувоҳлантириш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларида иштирок этган ҳимоячи унинг нуқтаи назарига аҳамиятли бўлган ҳолатларга терговчининг эътиборини қаратади, уларни тўлиқ баённомада акс эттирилишини назорат қилади, мутахассисга саволлар беради, ҳужжатлар ва ашёвий далилларни ишга бириктириб қўйилишини илтимос қилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳимоячи айримлар айтганидек, терговчи, ҳолис ва мутахассисларнинг ҳатти - ҳаракатларини кузатиши билан чекланмасдан, ўрганиш ва танишиб чиқишни фаол амалга ошириши мумкин.

Экспертиза тайинланганда ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги шахснинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин. Хусусан, у айбланувчи номидан, экспертга рад билдириш, экспертга қўшимча саволлар бериш, терговчининг рухсати билан экспертиза ўтказилишида иштирок этиш, хулоса билан танишиб чиқиш, хулоса юзасидан ўзининг эътирозларини билдириш каби ҳуқуқларига эга. Агар ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги шахс билан биргаликда ишда иштирок этадиган бўлса, у ҳимояси остидаги шахснинг процессуал ҳуқуқлари амалга оширилиши устидан ҳам кузатиб туриши керак; керакли илтимосномалар орқали ҳимоячи, юзага чиққан хатоларни бартараф этилишига қаратилган барча чораларни амалга ошириши лозим.

Гувоҳ, жабрланувчи ва экспертларнинг сўроқ қилинишида ҳимоячи иштирок этиб, айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсларнинг айбини рад этувчи ёки жавобгарлигини енгилаштирувчи маълумотларни саволлар бериш орқали аниқлашга ҳаракат қилади.

Далилларни тўплаш – бу нафақат бирор бир аниқ маълумотларни аниқлаш, балки уларни тўғри процессуал тартибда расмийлаштириш, хусусан, ҳужжат ва нарсаларни иш материалларига бириктирилишини унутмаслигимиз лозим. Бундай қарор қабул қилиш фақат исбот қилиш субъектлари – яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тегишли.

Тергов ҳаракатларида жабрланувчи ва унинг вакилининг иштироки тўғрисидаги масала диққатга сазавордир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган фуқароларнинг қонун ва суд олдида, шунингдек тарафларнинг тенглиги жиноят процессида хусусан, далиллар тўплашда жабрланувчи ролини қайтадан белгилашни тақозо этади. Шу билан боғлиқ равишда кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборлари бир – бирига қарши функцияларни амалга оширувчи иштирокчилар ташкил топадиган тарафлар (бир тарафда айбланувчи ва унинг ҳимоячиси, иккинчи тарафда жабрланувчи ва унинг вакили) ўртасидаги нотенглик ва уни бартараф қилишга қаратилмоқда.

Жабрланувчи ва унинг вакили судда мустақил тараф сифатида иштирок этсалар-да, дастлабки терговда уларнинг нотенглиги сақланиб қолган.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят–процессуал кодекси жабрланувчининг тергов ҳаракатида иштирок этиш ҳуқуқини бермайди. Қонун терговчининг жабрланувчини кўздан кечириш ва тергов экспериментида иштирок этишга жалб қилиш ҳуқуқини назарда тутди. Лекин мантиқан унинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин бўлмаган бошқа тергов ҳаракатларида ҳам иштирок этади. Масалан, сўроқда сўроқ қилинувчи сифатида, таниб олиш учун кўрсатишда таниб олувчи, баъзида таниб олинувчи сифатида, юзлаштиришда эса юзлаштирилаётган шахсларнинг бири сифатида, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатларида иштирок этиши мумкин. Унинг тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларига жалб қилиниши ҳам истисно ҳолат эмас. Худди шу ҳолатларда жабрланувчи вакилининг иштирок этиши вакилликни берган шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолати бўлар эди. Жабрланувчи ва унинг вакилига улар учун муҳим ҳисобланган тергов ҳаракатларига иштирок этишга рухсат бериш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқи берилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнингча, жабрланувчини ва вакилини ўз ташаббуси ёки уларнинг илтимосига кўра нафақат кўздан кечириш ва тергов экспериментига, балки бошқа тергов

ҳаракатларига ҳам жалб қилган терговчиларнинг ишлари тўғридир. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишда айбланувчининг ва жабрланувчининг ҳуқуқларидаги тенгсизлик юридик адабиётларда қаттиқ танқидга олинади. Агар айбланувчи эксперт танлашга, эксперт олдига қўйилган саволлар мазмунига; таъсир кўрсатиш, экспертиза ўтказилаётганда иштирок этиш, эксперт хулосаси билан танишиш ҳуқуқларига эга экан, жабрланувчи, экспертнинг хулосасига бефарқ бўлмаса-да ёки эксперт хулосаси унинг манфаатларга ҳам таъсир этса-да юқоридаги ҳуқуқларга эга эмас. Айбланувчи ва жабрланувчи ҳуқуқларидаги мувозанатсизликни йўқотиш тўғрисида юқорида баён қилинганлар жабрланувчига экспертиза тайинлашни талаб қилиш ҳуқуқининг берилиши кераклигига урғу беради.

Тергов ҳаракатининг қолган иштирокчилари – гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар, холислар ва бошқа бир қанча иштирокчилар зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун жалб қилинадилар. Шу мажбуриятларга яраша ҳуқуқларга эга бўлсалар-да, улар шахсий манфаатларга эга бўлмайдилар.

1.5. Президент И.А.Каримов асарлари, маърузаларида Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини юритишда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш масалалари

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча масалаларда, шу жумладан ҳуқуқ тизимида ҳам тобеликдан воз кечилди. Қонунлар Ўзбекистон шароити ва жамият талаблари ҳамда эҳтиёжлари асосида, шу билан бир қаторда қарор топган тарихий ва миллий анъаналарни инобатга олган ҳолда янгича асосларда қабул қилинадиган бўлди¹². Мамлакатимиз инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда¹³. Суд-ҳуқуқ ислоҳоти амалга оширилишининг асосий ташаббускори ва илҳомчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовдир. Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларда сўзланган нутқларида, турли мажлислар ва интервьюларида қўйилган вазифалар ва мақсадлар суд-ҳуқуқ ислоҳотининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида хизмат қилмоқда. Ўтиш даврининг объектив

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма Тошкент 2012 й бет 240

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма Тошкент 2012 й бет 238

тенденцияларини ва мамлакат суд- ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, юртбошимиз жиддий муаммоларни ва уларнинг ечимини доимо аниқ кўрсатиб бермоқда.

Давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгилиниши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ барча муаммо ва вазифаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг: “Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун” деган теран маъноли фикрлари дастуриламал бўлиши зарур¹⁴.

Президент И.А.Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ижтимоий-сиёсий ҳаётининг, жумладан сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг барча соҳаларни қамраб олди. Ислохотларни амалга ошириш концепцияси қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган институтлар яхлит тизимини барпо этилишини; инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномалар бўйича олинган халқаро мажбуриятларни бажаришнинг механизмини қонунчилик тартибда шакллантирилишини, шунингдек ушбу шартномалар талабларини барча давлат органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қатъий амал қилишни назарда тутган сиёсий соҳани либераллаштириш;

- давлат органларининг айрим ваколатларини фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига изчил ўтказиш, шунингдек, фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш бўйича чоратadbирларни назарда тутган “кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятга” концепциясини амалга ошириш;

- суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини ва эркинлигини, унинг кенг жамоатчиликка очиқлигини таъминлашни; дастлабки тергов ва суд процессида тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашни, шунингдек жиноят процессида адвокатуранинг ролини ва мустақиллигини кучайтиришни назарда тутган ҳолда суд-ҳуқуқ ислохотини чуқурлаштириш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ушбу ва бошқа йўналишлари инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий ислохотининг асосий мақсадлари сифатида белгилаб қўйилди.

Инсон ҳуқуқлари муқаддас саналган юртимизда мавжуд барча қонунчилик ҳужжатлари аввало одамларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, мустақилликини мустаҳкамлаш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш каби улуғ мақсадларни ўзида ифода этмоқда. “Мазкур Конституциянинг бирорта қонидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади”¹⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 2002 йил 29 августдаги иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги “ Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий

¹⁴ Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият //Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. –Т.14 – Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – Б.63.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашиининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVII XIX XX XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган). –Т.: Ўзбекистон, 2003.- б 40

йўналишлари” маърузасида “Бугунги кунда юридик-ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлар фаолиятининг ташкилий шакллантириш такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда”¹⁶ деган эди.

Ўзбекистон Республикасида судларнинг ихтисослашуви натижасида одил судловни амалга ошириш учун қўшимча кафолатлар яратилди.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан Россия, Англия, Франция, Италия, Германияда кўплаб ўн йилликлар давомида судларнинг ихтисослашган Одил судлов томонидан амалга оширилиши ўзини оқлаб келмоқда. Масалан, фуқаролик, жиноий, маъмурий, оила, меҳнатга оид ишлар, вояга етмаганларнинг ишлари ва шу кабилар бўйича табақалаштирилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат сиёсати суд ҳокимияти фаолиятини янада ихтисослаштириш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида биноан одил судловнинг амалга оширилиши сифатини ошириш мақсадида мавжуд умумий юрисдикцияли судлар негизида қуйидагилар ташкил этилди: Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари; Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари. Мазкур Фармон суддаги ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида судларни янада ихтисослаштирилишига қаратилгандир. 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судлар алоҳида тарзда фаолият кўрсата бошлади.

Юртбошимиз И.А. Каримов айтиб ўтганларидек, «Суд ва суд хизматчилари обрўсини кўтариш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир»¹⁷.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2006 йил 7 декабрда “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифамиздир”, мавзусида қилган маърузасидан “...юртимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқлаган босқичма-босқич ривожланиш йўлида изчил бориб, ислохотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш заруратини таъкидлаш лозим”¹⁸, —деб ёзган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 23-июндаги Фармонида асосан суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суднинг обрўси ва мустақиллигини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, судлар фаолиятига аралашишга ҳамда ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 23-июндаги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича татқиқот

¹⁶ Каримов И.Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари: / Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузаси. 2002 йил 29 август/.-Т.: “Ўзбекистон”, 2002 йи Б.25

¹⁷Каримов И.А. Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт асоси//Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясидаги маъруза1995 йил 21 декабрь.

¹⁸ Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш устивор вазифаларимиздир, - Т.: “Ўзбекистон”, 2006 йил – бет 9.

маркази ташкил этилди. Мазкур қарор судлар ишини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Олий суд ҳузуридаги бу марказ одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу одил судловни амалга оширишнинг замонавий ва халқаро мезонларини чуқур ўрганиш ва мамлакатимизда татбиқ этиш, соҳага оид қабул қилинган ҳужжатлар самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Бироқ, уларни амалда рўёбга чиқариш жараёнида муаммолар юзага келиши мумкин. Масалан, айбловчи ва унинг ҳимояси мос равишда жиной жараёнда ўзининг муайян ҳуқуқларига эга бўлган бир пайтда айблов ва жазолаш борган сари мураккаблашиб бораётганлиги шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам мазкур ислоҳотларни ўрганиш бўйича Тадқиқот марказининг тузилиши жуда фойдалидир. Бу Марказ ислоҳотларнинг реал амалга оширилишини, чунончи, қамоққа олишга санксия бериш ваколатларининг мутлақо мустақил судларга ўтказилишини мунтазам асосда назорат қилиши мумкин. Камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, Марказ Ўзбекистон Республикасида ислоҳотларни тегишли тарзда рўёбга чиқариш ҳамда қонун устуворлиги ва инсонпарварлигини янада ривожлантириш мақсадида бошқа қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши мумкин"¹⁹.

Йенивер Зееринг (Вюрсбург шаҳридаги Юлиус Максимилиан номли университет қошидаги Сиёсий фанлар ва ижтимоий тадқиқотлар институти қиёсий сиёсатшунослик ва сиёсий тизимлар кафедрасининг сиёсатшунослик доктори) таъкидлашча, "Самарали бошқарув" (Гоод Говэрнансе) концепсияси доирасида кўпгина мамлакатларда ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказилмоқда ва бу халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланмоқда. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказининг ташкил этилиши Ўзбекистонда ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар асносида муҳим ҳиссадир. Ушбу Марказ ислоҳотчилик дастурлари учун базавий асос бўлган ҳолда амалдаги жараёнларни илмий тадқиқ этиш ва таҳлил қилишда ўта муҳим рол ўйнайди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳуқуқ тизимининг бўш томонлари турлича бўлиб - бу барқарор бўлмаган ва бир-бирига қарама-қарши қонунлар тарзида, ҳуқуқий ҳужжатларни тўлақонли бўлмаган ёки нотўғри ҳолда қўлланиш тарзида, муайян акторлар томонидан "коррупция ёки норасмий алоқалар ёрдамида" қонунларни айланиб ўтиш ёки ижро этувчи ҳокимиятнинг юридик назоратдан ажралиб қолиши тарзида намоён бўлиши мумкин. Ҳуқуқ тизимининг мавжуд нуқсонлари ва афзалликларини, шунингдек уларнинг сабабларини аниқлаш йўли билан муқобил ҳуқуқий стратегияни режалаштириш мумкин. Шу маънода Ўзбекистонда ташкил этилган Тадқиқот маркази суд ислоҳотлари жараёнларига жиддий тўртки бериши мумкин"²⁰.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, сд тизимини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини янада самарали таъминлаш ва адвокатура ролини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш имконини берди.

¹⁹ Райнер Келлер, "Жаҳон" АА, Берлин, Сингапур, Жамиятни демократлаштириш бўйича янгикадам, 2008. йил 8 июль, 15:20, http://www.жaҳонnews.uz/рус/_жаҳон/стaти_мaтeриaли/нoвий_шaг_пo_дeмoкpaтизaии_oбщeствa.мгp).

²⁰ Дато Джудом Бенни, "Жаҳон" АА, Берлин, Сингапур, Жамиятни демократлаштириш бўйича янги қадам, 2008 йил 8 июль, 15:20, http://www.жaҳонnews.uz/рус/иa_жаҳон/стaти_мaтeриaли/нoвий_шaг_пo_дeмoкpaтизaии_oбщeствa.мгp.

2-боб. Терговни режалаштириш ва ташкил этиш

2.1. Терговни режалаштириш ҳамда ташкил этиш тушунчаси ва вазифалари

“Режа” сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кўра, бирор ишни тартиби билан ва ўз вақтида бажариш учун олдиндан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал. Жиноят иши бўйича тергов қилиш режаси иш юзасидан чин ҳақиқатни аниқлашга қаратилган ҳаракатлар рўйхатини ўз ичига олган топшириқдир. Жиноятни тергов қилишни режалаштириш деганда жиноят-процессуал қонунчилигининг талаблари ва ҳодисанинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда тергов вазифаларини, уларни ечиш йўллари ва усулларини аниқлашга айтилади. Баъзан режа тузиш зарурлигини инкор этувчи терговчилар учраб туради, баъзи олимлар эса уни тузиш зарур эканига шубҳа билан қарайдилар. Дарҳақиқат, жиноятни қандай қилиб очиш кераклигига доир аниқ режани биз қонундан топмаймиз. Терговчи қўлланиши лозим бўлган чоралар ва усулларни илмий тадқиқот ишида ҳам кўрсатиш қийин. Аммо фан ва амалиётнинг тараққий этиши бундай қарашларни рад этади. Умуман олганда режалаштириш терговчининг аниқ бир мақсадга қаратилган фаолиятини таъминлайди, у нима қилиши кераклигини, қачон, қаерда ва қандай ҳаракат қилиши зарурлигини кўрсатади.

Жиноятларни тергов қилиш - билиш ва англаб етишга доир бошқа фаолиятда бўлгани сингари, шунчаки фактларни қайд этиш эмас, балки мураккаб ижодий жараёндир. Жиноятни тергов қилиш мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, терговчидан юқори савиядаги ташкилий ва ақлий қобилиятларни талаб қилади. Тергов қилишнинг мураккаблиги шундаки, далилларни фақатгина йиғиш эмас, балки ҳар томонлама текшириш, ўрганиб чиқиш ва уларни тўғри баҳолаш зарур, чунки жиноятчилар кўп ҳолларда турли хил айёрлик ишлатадилар: жиноят изларини яширадилар, жиноятга бахтсиз тасодиф, ўз жонига қасд қилиш ёки бошқа бир жиноят кўринишини беришга ҳаракат қиладилар ҳамда баъзи ҳолларда жабрланувчи, гувоҳ ва бошқаларга тазйиқ ўтказадилар.

Жиноят ишини тергов қилишда терговчи ҳодисанинг айрим фактлари ва ҳолатлари ўртасидаги мавжуд алоқаларни аниқлаш ҳамда билиб олиш сари, ҳозирги ҳолатни билишдан ўтмишни билиш сари боради. Бунда тергов версиялари терговчига йўналишни кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади. Улар режалаш асоси (ўзаги, ядроси) бўлиб, ҳаракатлар йўналишини, аниқлаштириш лозим бўлган саволлар доирасини белгилаган ҳолда тергов қилиш жараёнида муҳим ўрин тутади. Версиялар режалаштириш жараёнининг динамиклигини (жўшқинлигини) таъминлайди, чунки янги версиянинг пайдо бўлиши тергов қилишда юритилаётган режага тегишли тузатишлар киритишни талаб қилади. Бироқ, доимо эсда тутиш керакки, версия - бу тахминдир, у далил эмас, у нима бўлгани ҳақида мас, нима бўлиши эҳтимоллиги ҳақида дарак беради. Версия эҳтимол тутилгандан ҳақиқийга сари боришда ёрдам берадиган тафаккур шаклдир, холос.

Процессуал қонун жиноят иши бўйича қайси ҳолатлар исботланиши кераклиги хусусидаги тўғридан-тўғри кўрсатмани ўз ичига олади. Суриштирувни, дастлабки терговни ўтказишда ва судда ишни муҳокама этишда қуйидагилар исбот қилиниши керак бўлади: 1) жиноят ҳодисаси (жиноят содир этилган вақт, жой, уни содир этиш усули ва бошқа ҳолатлари); 2) жиноят содир этишда айбланувчининг айблилиги ва жиноят сабаблари; 3) айбланувчининг жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар; 4) жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори. Шунингдек, жиноят содир этилишига кўмаклашган ҳолатлар ҳам аниқлаштирилмоғи лозим. Режани ишлаб чиқиш чоғида унда айтиб ўтилган ҳолатларни исботлаш учун амалга оширилиши мўлжалланган ҳаракатлар акс эттирилади. Бунда уларнинг рўйхати тугал эмаслигини, улар тергов қилинаётган ишнинг ўзига хос хусусиятларига қараб кенгайиши мумкинлиги назарда тутилади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тергов юқори савияда ташкиллаштирилганидагина аниқ бир мақсадга эришилади. Масалан: терговнинг мақсад ва вазифаларини, алоҳида ҳаракатларнинг ўтказилиш муддатлари ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш жуда муҳимдир. Терговчи ўз ҳатти-ҳаракатларини иложи борида аниқ ташкиллаштириши, ҳар бир тергов ҳаракатини батафсил ишлаб чиқиб, ўз ишининг истикболларини кўра билиши зарур. Бу нарса тергов фаолиятини оптимал режалаштириш орқали амалга оширилади. Режа тергов фаолиятининг шакли ва мазмунини акс эттирган ҳолда терговчига муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли юридик адабиётларда режалаштиришни баъзан моделлаштириш (андозасини тайёрлаш) деб, режани эса – жиноятларни тергов қилиш бўйича терговчи фаолиятининг модели деб атайдилар.

Тергов қилишни режалаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) мазкур ҳол учун эҳтимол тутилган барча версияларни тузиб чиқишни; 2) уларни текширишнинг асосий йўллари ва усулларини белгилаб олишни; 3) далилларни ўз ичига олган манбаларни ва далилларни тўплашда ёрдам бериши мумкин бўлган воситаларни аниқлашни; 4) мўлжалланаётган тергов ҳаракатлари ва бошқа ҳаракатларни, уларни ўтказиш муддатлари, кетма-кетлиги ва тактик усулларини.

Режалаштириш терговчининг ёлғиз бир ўзи, терговчилар бригадаси ва тергов-тезкор гуруҳи томонидан амалга оширилиши мумкин, лекин барча ҳолларда терговга раҳбарлик қилиш, иш тергов ҳаракатларини амалга ошириш терговчи зиммасида қолади.

Айтиш жоизки, ишларнинг аксарияти ёлғиз бир шахс томонидан тергов қилинади. Тергов қилишнинг бригада усули айбланувчилар кўп сонли бўлган мураккаб, кўп эпизодли (кўп воқеали) ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларда қўлланилади. Мазкур усул ҳар хил тергов ҳаракатларини (тинтувларни, гувоҳларни сўроқ қилиш ва бошқа шу сингариларни) бир вақтда ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Тергов-тезкор гуруҳлари “из босилмасдан” ўтказиладиган қидирув ишлари, жиноятчининг шахсини аниқлаш, тергов қилинаётган ҳодисанинг ҳолатлари ҳамда айрим эпизодлари ва бошқа шу сингарилар тўғрисидаги ахборот манбаларини топиш билан боғлиқ ўта мушкуллиги билан ажралиб турадиган жиноят ишларини тергов қилишга жалб этилади.

Ташкилий ишлар тергов қилишга экспертлар ва мутахассисларни жалб этиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ўз ичига олади. Айрим жиноят таркиблари бўйича экспертларни жалб этиш процессуал қонун талаблари (ўлим сабабларини аниқлаш ва ҳ.к.) билан боғлиқ, қолган ҳолларда уларнинг иштирок этиши тўғрисидаги масала мажбурий бўлмаган хусусиятга эга, бунини ҳал қилишни қонун терговчи ва суд ихтиёрида қолдиради.

Ташкилий-техник масалалар жумласига терговчининг самарали ишлаши учун зарур бўлган шароитларни яратиш: хизмат хоналарини жиҳозлаш, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлаш, техник хизмат кўрсатиш, илмий асосланган иш тартиботини (режимини) қўллаш, ҳисобга олиш ва ҳисобот беришни тўғри ташкил этиш, шунингдек, зарурий криминалистика техникаси, ёзув ва идора ашёлари ҳамда бошқа ёрдамчи материаллар билан таъминлаш киради. Ташкил этиш ва режалаштириш масалаларини ҳал қилиш (ахборот айирбошлаш, тезкор-тергов кенгашларни ўтказиш ва бошқа тадбирлар) тергов қилиш жараёнида ҳам тугамайди.

2.2. Режалаштириш принциплари ва турлари

Режалаштириш тамойиллари – бу терговнинг негизини ташкил этадиган ва терговчи учун амал қилинадиган кўрсатмалар аҳамиятига эга бўлган қоидалардир. Уларга риоя этиш режалаштиришнинг илмийлиги ва самаралилигини таъминлайди. Тергов қилишни режалаштириш амалиёти унинг қуйидаги тамойилларини ажратиб кўрсатиш имкониятини беради:

1) режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятга эгаллиги. Мазкур тамойил тергов қилинаётган жиноят ишларининг ўзига хос хусусиятлари (айбланувчининг шахси,

жиноятни содир этиш усули ва ҳ.к.) билан боғлиқ. Ана шуларни ҳисобга олганда ҳар бир жиноят ишини тергов қилишни режалаштириш ўзига хос хусусиятга эга. Ана шу тамойилнинг бузилиши, режалаштиришда эски андозаларнинг қўлланиши салбий оқибатларга олиб келади. Терговчи тергов қилинаётган ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган барча тафсилотларни ҳисобга олиш имкониятидан маҳрум бўлади;

2) режалаштиришнинг ўз вақтидалиги. Бу тамойил режанинг белгиланган мақсадидан келиб чиқади. Агар тергов қилиш режаси барвақт ёки кечикиб тузилса, у ўз вазифасини бажаролмайди. Барвақт тузилса – терговчи тергов қилишнинг тўғри йўналишини танлашда янглишиб қолиши мумкин, кечикилса - тергов тартибсиз ўтказилади, кейинчалик тикланиши имконияти бўлмаган ҳолатлар терговчининг назари доирасидан четда қолиши мумкин;

3) режалаштиришнинг динамиклиги. Бу тамойилнинг аҳамияти режалаштиришнинг самаралилигини таъминлашдан иборат. Тергов қилишнинг дастлабки тузилган режаси ўзгаришсиз қолиши мумкин эмас. Тергов қилиш жараёнида у аниқлаштирилади, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилади. Ҳар бир тергов ҳаракатини ўтказиш режага тузатишлар киритиш зарурлигидан далолат берувчи материаллар бериши мумкин. Агар у ўз вақтида бажарилмаса, режа муқаррар равишда ўз самарадорлигини йўқотади;

4) режалаштиришни амалга ошириладиган бўлиши. Мазкур тамойил режанинг мақбул тарздаги барқарорлик шarti бўлиб хизмат қилади. Бунга агар режада барча фактик маълумотлар ҳисобга олинса, ишни хатосиз тергов қилиш учун зарур бўлган масалалар унга киритилса, уларни ҳал этишга ёрдам бериши мўлжалланган ҳаракатлар эса ҳақиқатда амалга ошириш имконияти бўлсагина эришилади. Бундай шарт-шароитсиз терговчи режани рўёбга чиқаришда қийинчиликларга дуч келиб, тергов қилишнинг танланган йўли тўғрилигига ишончини йўқотиб қўйиши мумкин;

5) режалаштиришнинг муайянлиги. Бу тамойил билан режанинг терговчи қўлидаги қўлланма восита тариқасида тутган ўрни таъминланади. Терговчи режани тузар экан, жиноятни очиш бўйича ўз фаолияти дастурини белгилаб олади, мўлжалланаётган ҳаракатларнинг муддатларини белгилаб қўяди ва ҳ.к. Агар дастур ва уни амалга ошириш муддатлари тайин бўлмаса, режа ўзининг ташкил этувчилик аҳамиятини йўқотади.

Режалаштиришнинг кўрсатиб ўтилган барча тамойиллари ўзаро боғлиқ ва алоқадордир. Улардан биттасининг бузилиши муқаррар равишда бошқа тамойилларни ҳам бузилишига олиб келади.

Тергов қилиш режасини тузишда икки асосий элемент борки, уларнинг аҳамиятини инобатга олмай илож йўқ. Улар: а) далилий маълумотларни ўрганиб чиқиш ва бу терговнинг ишчи дастурини тузиш. а) далилий маълумотларни ўрганиш версияни тузишдагина асос бўлиб қолмай, балки тергов қилишни режалаштиришнинг ҳам асоси бўлиб хизмат қилиши.

Терговчи жиноят ишини, тўпланган маълумотларни, шу жумладан ашёвий далилларни жиноятни очиш истиқболи жиҳатидан ўрганишда қуйидагиларга аҳамият бериши зарур:

мавжуд далилий маълумотларнинг қайси бири аниқ ва текширувга муҳтож эмас ва қайсилари текширилиши ҳамда тузилган версияга биноан аниқланиши керак;

аниқ ва равшан бўлган ҳолатларни ҳамда мавҳум, шубҳали ҳолатларни аниқлаш;

тергов вазифалари ва уларни ечиш усуллари аниқлаш;

версияларни текшириш йўллари ва исботлашнинг чегараларини аниқлаш.

Тергов қилишнинг ишчи дастури жиноят хусусиятлари ва тергов босқичларига қараб ҳажм ва мазмун жиҳатидан турли хил бўлади. Масалан, бошланғич тергов босқичида у умумий ёки тахминий қидирув усули бўйича далилларни қидиришга қаратилган. Кейинги босқичларда эса у кўпинча далилий маълумотларни баҳолашга йўналтирилган бўлади.

Ишчи дастурда тергов ҳаракатларининг таркиби ва мазмуни етакчи ўрин эгаллайди. Терговнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, қайси тергов ҳаракатларини биринчи навбатда ва қандай муддатларда бажарилиши, қандай ҳаракатларни кейинга қолдириш мумкинлиги, қандай ҳаракатлар жамоатчилик ёрдамига муҳтожлиги ҳамда тергов-тезкор тадбирлар ва тергов ҳаракатлари уйғунлигида ойдинлаштириш керак бўлган масалаларни аниқлаш зарур.

3-боб. Терговни режалаштириш ҳужжатлари

3.1. Режалаштириш ҳужжатлари

Ҳар бир иш бўйича тергов қилишнинг ягона режасини ва айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш режаларини тузиш одат тусини олган. Ишлар гуруҳи бўйича эса календарь режалар тузилади.

Режалар фикрий ёки ёзма бўлиши мумкин. Лекин режанинг ёзма шакли шакл-шубҳасиз афзалликларга эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳатто яхши ўйланган фикрий режани тузиш қобилиятига эга бўлган тажрибали терговчи ҳам аксари ҳолларда унинг барча тафсилотларини эсда сақлаб қола олмайди. Албатта, ёзма режани тузиб чиқиш қўшимча вақт сарфлашни талаб қилади, лекин улар режалаштиришнинг ана шу шаклида тергов қилишда эришиладиган тартиблилик ва бир маромдалик туфайли ҳамиша ўзини оқлайди.

Иш бўйича тергов қилиш режаси дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилгандан кейин тузилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзиёқ, қоида тариқасида, версиялар қилиш ва режа тузиш учун зарур ахборотларни беради. Одатда ишларни, айтилик, мансаб билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишларни тергов қилишда режани жиноят ишини кўзгатишга асос бўлган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотлар асосидаёқ тузиш мумкин. Бироқ, дастлабки режа, юқорида қайд этиб ўтилганидек, барқарор эмас. Тергов қилиш жараёнида у “кенгайди”. Тергов амалиётида бундай кенгайтирилган режа кўпинча бир қанча саҳифали дафтардан иборат бўлган қоғоз лента кўринишига эга бўлади.

Ёзма режанинг мазмуни тергов қилинаётган ишнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бир хил ҳолларда, кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олувчи режа ишлаб чиқиш шарт, бошқа ҳолларда амалга ошириладиган муддатлари кўрсатилиб, мўлжалланган ҳаракатлар рўйхатини белгилаб олиш билан чекланилади.

Ойдинлаштирилиши лозим бўлган масалалар (ҳолатлар) доираси ҳавойи белгиланмайди, балки у версияларга ва режани тузиш ёки унга ўзгартишлар киритиш пайтида терговчи эга бўлган тайин ахборотга боғлиқ бўлади. Унга ортиқча ҳеч нарсани қўшмаслик керак, лекин зарурини эса эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари ойдинлаштирилиши лозим бўлган масалалар асосида, режалаштирилаётган ҳаракат бериши мумкин бўлган, энг эҳтимол тутилган мақбул натижани ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Мураккаб, гуруҳли ва кўп эпизодли ишларда ёрдамчи ёзма ҳужжатлардан самарали фойдаланиш мумкин бўлиб, уларда режанинг айрим масалалари батафсил кўрсатилади. Бундай ҳужжатлар жумласига “шахсий ҳисобварақлар”, айбланувчиларнинг жиноий алоқалари, корхоналар таркибий тузилишини, ҳужжатлар айланишини кўрсатувчи схемалар ва бошқа шу сингарилар киради. Масалан, ҳар бир айбланувчига тузиладиган “шахсий ҳисобварақларда” зарурий бошланғич ахборот, айблаш формуласи, кўрсатувлар моҳияти сингарилар, ойдинлаштирилмаган масалалар, уларни аниқлаш усуллари ва ҳоказо акс эттирилади. Кўп эпизодли ишларда алоҳида эпизодлар бўйича режалар тузиш зарур бўлиб қолиши мумкин, уларда ҳар бир алоҳида эпизодга тааллуқли ҳаракатлар ва масалалар акс эттирилади.

Тергов амалиётида шунингдек, турли режалаштириш – моделини тузиш услуби қўлланилиб, у бажариладиган ишлар рўйхатини, ишнинг тартиб рақами, номи, давом этиш муддати ва бевосита ундан кейинги ишларнинг тартиб рақамлари кўрсатилади. Терговчининг бир турдаги ҳаракатлари гуруҳларга бирлаштирилиши мумкин. Тўрли жадвалдан фойдаланиш терговчининг бир маромда ишлашига ва ишнинг муддатларини қисқартиришга қўмаклашади, бироқ уни тузиб чиқиш алоҳида тайёргарликни, бир қанча ҳолларда, мутахассис ҳам иштирок этишини талаб қилади.

Иш бўйича тергов қилиш режасига айрим тергов ҳаракатларининг режалари қўшимча қилинади. Айрим тергов ҳаракатлари жараёнида терговчининг далилларни

топиш, мустаҳкамлаб қўйиш, олиб қўйиш, текшириш ва тадқиқ этиш бўйича бевосита ишлар амалга оширилади.

Тергов ҳаракатининг режаси терговни режалаштиришни тўғри ташкил этиш учун иш бўйича аниқланиши керак бўлган ҳолатларни тўғри тасаввур қила олишга кўмаклашади. Уларни аниқлашда эса азалдан етгита анъанавий саволга жавоб излаш тавсия этилади: ким, нима, қаерда, қачон, кимнинг ёрдамида, нима учун, қандай қилиб.

Аммо бу саволларга жавоб топишни ўзи кифоя қилмайди, уларнинг орасида айбни аниқлаш ва унинг шакли, жиноят оқибатлари, уни содир этилишига кўмаклашган ҳолатлар инобатга олинмаган. Шунинг учун, терговни режалаштиришда жиноят элементларининг ҳар бири бўйича иш олиб боришни ташкиллаштириши мақсадга мувофиқдир. Асосан қуйидаги элементларни назарда тутиш керак:

- 1) режалаштирилаётган тергов ҳаракати орқали ҳал этиладиган вазифа; 2) уни амалга ошириш вақти, жойи ва иштирокчилари;
- 3) иштирокчилар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши;
- 4) тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш чоғида ўтказилиши зарур бўлган тадбирлар;
- 5) айрим тергов ҳаракатларини бажариш кетма-кетлиги, бунда қўлланилиши мўлжалланаётган тактик усуллар ва техник воситалар;
- 6) тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ташкил этиладиган тезкор-қидирув тадбирлари;
- 7) олинган натижаларни қайд этиш усуллари.

Тергов ҳаракатлари режаси одатда кўрсатиб ўтилган элементларни акс эттирувчи рўйхат шаклида тузилади. Мураккаб, кўп эпизодли ишлар бўйича тергов ҳаракатларининг режалари жадваллар шаклида ишлаб чиқилиши мумкин. Кўпинча бундай режа-жадваллар сўроқларни ўтказишда қўлланилади. Режанинг шакли тўғрисидаги масалани режалаштирилаётган ҳаракатни ўтказадиган терговчи ҳал қилади.

Терговчилар гуруҳи томонидан ўтказиладиган терговни режалаштириш тергов қилиш гуруҳи усулининг ўзига хос хусусиятларига эга. Бу ҳолда режани тузишда терговчилар гуруҳининг барча аъзолари, мазкур ишни тергов қилишга жалб этиладиган ички ишлар органларининг ходимлари ҳам имкон борида иштирок этадилар. Гуруҳ томонидан тергов қилишда бир-бирининг ишини тақрорлаш эҳтимоли ҳар доим мавжуд бўлади, шу сабабли ижрочилар ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланиши алоҳида аҳамиятга эга. Вазифалар жиноятнинг мураккаблиги ва хусусиятини, шунингдек, гуруҳ айрим иштирокчиларининг тажрибаси ва қобилиятини ҳисобга олиб тақсимланади. Версиялар, эпизодлар, айрим тергов ҳаракатлари, муайян ҳудудлар вазифаларнинг тақсимланишига асос бўлиши мумкин.

Ҳар бир терговчи индивидуал режани гуруҳда вазифалар қандай тақсимланганига қараб тузади: терговчи алоҳида бир версияни, ҳолатни ёки маълум бир айбланувчининг (гумон қилинганнинг) жиноий фаолиятини ўрганиши мумкин. Вазифалар тергов ҳаракатлари хусусиятига қараб ҳам тақсимланиши мумкин: бир терговчига кўздан кечириш ёки тинтув топширилса, бошқа бирига гувоҳларни сўроқ қилиш топширилиши мумкин. Режалаштириш тартиби жиноятнинг ўзига хос хусусиятлари, терговчилар тажрибаси, ишнинг кўзланган ҳажмига чамбарчас боғлиқдир.

Терговни гуруҳ томонидан ўтказилганда режалаштиришда тергов ҳаракатлари терговчилар томонидан қайтарилмасликлари учун гуруҳнинг ҳамма аъзоларининг ҳаракатлари синчиклаб ташкиллаштирилиши ҳамда ўзаро келишувчанликка катта эътибор қаратилиши зарур.

Муайян версияни текшириш юзасидан топшириқ олган терговчи бунинг учун зарур бўлган ҳаракатларни бажаради. Муайян эпизодни тергов қилиш чоғида ҳам иш шу тарзда ташкил этилади. Вазифалар чегараланишининг ҳудудий усули терговчи тергов ўтказиладиган туман (шаҳар) доирасидан ташқарига чиқиш зарурати бўлганда қўлланилади.

Вазифалар тақсимланишининг қайси усули қўлланилмасин, раҳбарлик қилиш ишни ўз иш юритувига қабул қилган терговчининг, яъни гуруҳ раҳбарининг зиммасида қолаверади. Гуруҳ иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинуви қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, терговнинг бориши ва натижаларини биргаликда муҳокама қилиш имконияти шу қадар кўпроқ бўлади, шунингдек, тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари ҳам ўзаро мувофиқлаштирилган бўлса, режалаштириш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, терговчининг иш юритишида ҳар доим бир нечта иш бор бўлиши сабабли календарь режалаштириш зарур бўлади. Календарь режа ана шу жиноят ишлари бўйича вазифаларни мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Унда мазкур ишлар юзасидан кунлар бўйича тақсимланган тергов ҳаракатлари акс эттирилади. Кўпинча бундай режа бир ҳафта учун тузилади. Ҳафта ичидаги у ёки бу воқеалар билан боғлиқ ҳолатларга қараб, календарь режага тегишли ўзгаришлар киритилади.

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Тошкент транспорт прокурори
адлия маслаҳатчиси

_____ **А.К.Турсунов**

«___» декабрь 2011 йил

И Ш Р Е Ж А
700-сонли жиноят иши юзасидан

« » декабрь 2011 йил

Тошкент шахри

2011 йил 22 декабрь куни тахминан соат 21:00да Тошкент халқаро аэропортида 9231-сонли ҳарбий қисм чегара назорати ходимлари томонидан “Шарджа-Тошкент” йўналишидаги НУ-332 рейс йўловчиларини паспорт назоратидан ўтказиш жараёнида, 15.08.1955 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Туркман қишлоғида истикомат қилувчи фуқаро Мурадова Гуласалга тегишли бўлган СЕ серияли 1672765 рақамли Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ИИБ томонидан 06.08.2002 йилда берилган фуқаролик паспортида ХЧК ва ФРБнинг дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун рухсат берувчи рухсатнома (стиккер) бўлмасдан, Туркия ва БАА давлатига бориб- келаётганлиги аниқланган ва ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Мурадова Гуласалга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган сабабли, қуйидаги тергов ҳаракатларини бажарилиши лозим бўлади:

	Бажарилиши лозим бўлган ишлар	Бажарувчи
	Г.Мурадовани ҳимоячи билан таъминлаб, жиноят ишида гумонланувчи тариқасида иштирок этишга ҳақида қарор чиқариб, гумонланувчи тариқасида сўроқ қилиш лозим. Ҳолат бўйича 9231-сонли ҳарбий қисм чегара ходимларини гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш,	Ш.Т.Зуфаров

.	Жиноят иши юзасидан Г.Мурадовани мукаддам судланган-судланмаганлигини аниклаш мақсадида ИИВнинг ахборот марказига талабнома юбориш керак, агар судланган бўлса, у ҳолда тегишли суддан ҳукмнинг нусхасини олиб, жиноят ишига кушиш лозим.	Ш.Т.Зуфаров
	Жиноят иши юзасидан Г.Мурадовани турар жойидан маълумотномалар ва тавсифномалар олиш лозим.	Ш.Т.Зуфаров
	Жиноят иши юзасидан тупланган далиллар билан Г.Мурадовани жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиб, айбланувчи тариқасида сурок қилиб, унга нисбатан эҳтиёт чораси қўллаш.	Ш.Т.Зуфаров
	Жиноят иши юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297-моддасига асосан, Мурадовани яшаша жойига тақдимнома қиритиш.	Ш.Т.Зуфаров
	Фуқаро Г.Мурадовани жиноят иши ҳужжатлари билан таништириш.	Ш.Т.Зуфаров
	Иш юзасидан тергов жараёнида янги ҳолатлар қилиб чиққан тақдирда уларга қаратилган тергов ҳаракатларини олиб бориш	Ш.Т.Зуфаров
	Текшириш якунига қўра Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-330, 373-374-моддаларига асосан ҳал қилиш	Ш.Т.Зуфаров

Режа туздим:

Ш.Т.Зуфаров

ХУЛОСА

Тергов ҳаракатлари жиноят процессининг ғоят мунозарали, долзарб масалаларидан биридир. Муайян жиноят иши юзасидан процессуал фаолиятнинг таркибий қисми бўлган процессуал ҳаракатлар ичида тергов ҳаракатлари кўпчилик қисми ташкил этади. Қолаверса, жиноят - процессуал фаолият субъектларининг асосий мақсади жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан ва пировардида ҳақиқатни аниқлашдан иборат экан, ҳар бир ҳолатни тасдиқловчи маълумот ва ашёга тергов ҳаракатлари воситасида далил мақоми берилади.

Тергов ҳаракатлари ўзининг мақсадига кўра:

- 1) далилларни тўплашга қаратилган тергов ҳаракатлари;
- 2) далилларни текширишга қаратилган тергов ҳаракатларига бўлинади.

Амалдаги жиноят - процессуал қонунчилигимизда қуйидаги тергов ҳаракатлари мавжуд:

- 1) сўроқ қилиш;
- 2) юзлаштириш;
- 3) таниб олиш учун кўрсатиш;
- 4) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- 5) олиб қўйиш;
- 6) тинтув;
- 7) кўздан кечириш;
- 8) гувоҳлантириш;
- 9) мурдани эксгумация қилиш;
- 10) эксперимент ўтказиш;
- 11) экспертиза тадқиқотлари ўтказиш учун намуналар олиш;
- 12) экспертиза ва тафтиш тайинлаш;
- 13) тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш;
- 14) телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиб туриш йўли билан тўпланади.

Тергов ҳаракатларига бағишланган нормаларни уч гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳолларини тартибга солувчи нормалар;
- 2) тергов ҳаракатлари процессуал тартибини белгилаб берувчи нормалар;
- 3) тергов ҳаракатлари ўтказишни тасвирловчи нормалар.

Иш бўйича тергов қилиш режаси дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилгандан кейин тузилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг ўзиёқ, қоида тариқасида, версиялар қилиш ва режа тузиш учун зарур ахборотларни беради. Одатда ишларни, айтилик, мансаб билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишларни тергов қилишда режани жиноят ишини қўзғатишга асос бўлган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотлар асосидаёқ тузиш мумкин. Бироқ, дастлабки режа, юқорида қайд этиб ўтилганидек, барқарор эмас. Тергов қилиш жараёнида у “кенгаяди”. Тергов амалиётида бундай кенгайтирилган режа кўпинча бир қанча саҳифали дафтардан иборат бўлган қоғоз лента кўринишига эга бўлади.

Тергов амалиётида шунингдек, турли режалаштириш – моделини тузиш услуби қўлланилиб, у бажариладиган ишлар рўйхатини, ишнинг тартиб рақами, номи, давом этиш муддати ва бевосита ундан кейинги ишларнинг тартиб рақамлари кўрсатилади. Терговчининг бир турдаги ҳаракатлари гуруҳларга бирлаштирилиши мумкин. Тўрли жадвалдан фойдаланиш терговчининг бир маромда ишлашига ва ишнинг муддатларини қискартиришга кўмаклашади, бироқ уни тузиб чиқиш алоҳида тайёргарликни, бир қанча ҳолларда, мутахассис ҳам иштирок этишини талаб қилади.

Иш бўйича тергов қилиш режасига айрим тергов ҳаракатларининг режалари қўшимча қилинади. Айрим тергов ҳаракатлари жараёнида терговчининг далилларни топиш, мустаҳкамлаб қўйиш, олиб қўйиш, текшириш ва тадқиқ этиш бўйича бевосита ишлар амалга оширилади.

Тергов ҳаракатининг режаси терговни режалаштиришни тўғри ташкил этиш учун иш бўйича аниқланиши керак бўлган ҳолатларни тўғри тасаввур қила олишга кўмаклашади. Уларни аниқлашда эса азалдан етгита анъанавий саволга жавоб излаш тавсия этилади: ким, нима, қаерда, қачон, кимнинг ёрдамида, нима учун, қандай қилиб.

Терговчилар гуруҳи томонидан ўтказиладиган терговни режалаштириш тергов қилиш гуруҳи усулининг ўзига хос хусусиятларига эга. Бу ҳолда режани тузишда терговчилар гуруҳининг барча аъзолари, мазкур ишни тергов қилишга жалб этиладиган ички ишлар органларининг ходимлари ҳам имкон борида иштирок этадилар. Гуруҳ томонидан тергов қилишда бир-бирининг ишини такрорлаш эҳтимоли ҳар доим мавжуд бўлади, шу сабабли ижрочилар ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланиши алоҳида аҳамиятга эга. Вазифалар жинойтнинг мураккаблиги ва хусусиятини, шунингдек, гуруҳ айрим иштирокчиларининг тажрибаси ва қобилиятини ҳисобга олиб тақсимланади. Версиялар, эпизодлар, айрим тергов ҳаракатлари, муайян ҳудудлар вазифаларнинг тақсимланишига асос бўлиши мумкин.

Ҳар бир терговчи индивидуал режани гуруҳда вазифалар қандай тақсимланганига қараб тузади: терговчи алоҳида бир версияни, ҳолатни ёки маълум бир айбланувчининг (гумон қилинганнинг) жинойт фаолиятини ўрганиши мумкин. Вазифалар тергов ҳаракатлари хусусиятига қараб ҳам тақсимланиши мумкин: бир терговчига кўздан кечириш ёки тинтув топширилса, бошқа бирига гувоҳларни сўроқ қилиш топширилиши мумкин. Режалаштириш тартиби жинойтнинг ўзига хос хусусиятлари, терговчилар тажрибаси, ишнинг кўзланган ҳажмига чамбарчас боғлиқдир.

Бизнинг фикримизча, терговни режалаштиришда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Дастлаб тергов жараёни ва унинг босқичларини аниқ ҳамда пухта режалаштириб олиши зарур.

Терговнинг аниқ бир режасини тузиш мақсадга мувофиқдир. Чунки мазкур усул тергов қилишнинг асосий мақсадларидан бири аниқланиши зарур бўлган бирон-бир масалани ёддан чиқармаслик имконини беради.

2. Тергов режасида белгиланган процессуал ҳаракатларни ўз вақтида бажариш.

3. Тергов ҳаракатларини амалга ошириш натижасида тўпланган далилларни таҳлил қилиш даркор.

4. Тергов режасидаги ўтказилган барча тергов ҳаракатлари натижасида ЖПКга асосан асосан ҳал қилиш

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И.А «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т., «Ўзбекистон», 1992 йил
2. Каримов И.А «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Т., «Ўзбекистон», 1992 йил
3. Каримов И.А «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» Т., «Ўзбекистон», 1993 йил
4. Каримов И.А «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т., «Ўзбекистон», 1995 йил
5. Каримов И.А «Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили» Т., «Ўзбекистон», 1995 йил
6. Каримов. И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. - Т.: Ўзбекистон, 1996, -Б.141-142.
7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-380 б.
8. Каримов И.А. ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -366 б.
9. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.3. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
11. Каримов И.А «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т., «Ўзбекистон», 1997 йил.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 429 б.
13. Каримов И.А. Биз келажакни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т.7. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.Т.8. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
15. Каримов И.А «Адолат - қонун устиворлигида» «Халқ сўзи» 2001 йил 30 август.
16. Каримов И.А «Одамлар ташвиши билан яшаш – олий бурч» «Халқ сўзи» 2001 йил 12 сентябр
17. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
18. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
19. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
20. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимиз, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
21. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 488 б.
22. Каримов И.А. Инсон ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. - Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
23. Каримов И.А. Т.15. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимиз мезони ва мақсадидир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
24. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.

25. Каримов И.А. Т.17.Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.
26. Каримов И.А.. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
27. Каримов И.А. Энг асосий меъзон – ҳаёт ҳақиқатни акс эттириш. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
28. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2009 йил 5 декабр.- Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
29. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
30. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
31. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси” 2010й 22 ноябрь.
32. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.- Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

2. Махсус адабиётлар:

1. Алимова Р.А, Отахўжаев С.А. – Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари. Тошкент, 2001
2. Криминалистика техникаси; Ўқув қўлланма, Тошкент, 1999
3. Криминалистика тактикаси; Ўқув қўлланма, Тошкент, 2000
4. Криминалистика; Дарслик. I-II қисм. Тошкент. 2003 й.
5. Криминалистика; Учебник. Москва “БЕК”. 2000 г.
6. Криминалистика; Учебник. Москва. 2004 г.
7. Норбоев А. – Ҳодиса жойини кўздан кечириш. Услубий қўлланма Тошкент. 1999 й.
8. Расследование убийств при отсутствии трупа, учебное пособие. Москва, 1990
9. Рустамбоев М.Х, Норбоев А.Н. «Криминалистика в схемах». Ўқув қўлланма. «Адолат» Ташкент, 2002
10. А.Норбоев, Т.Ахмедов. Портловчи воситалар билан боғлиқ бўлган ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартиби. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2005
11. Шаманова Т.Н.-Исследование запаховой информации при расследовании убийств. Москва, 1997
12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Тошкент, 2010
13. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Тошкент, 2011
14. Белкин Р.С. Курс криминалистики. В 3-х т. – М.: Юрист, 1997
15. Криминалистика. Учебник / Под ред.В.А.Образцова М.: Юрист 2002
16. Белкин Р.С. “Профессия следователя” М.: Юрист. 1998

17. Бородин С.В. “Преступления против жизни”. СПб: Издательство Юридический центр Пресс, 2003
18. Криминалистика. Учебное пособие / Под ред. А.В.Дулова – Минск: ИП “Экоперспектива” 1998
19. Дворкин А.И., Бабаев У, и др. – Расследование убийств, совершенных организованными группами, Москва. 1995
20. Яблоков Н.П. – Криминалистическая характеристика преступлений и типичные следственные ситуации. Москва. 1997
21. Лившиц Е.М.Белкин Р.С.Тактика следственных действий. М.: Новый Юрист. 1997
22. Аминев Ф.Г. Криминалистические учебы. Омск, 1997
23. Осмотр место происшествия: практические пособие / Под ред. А.И.Дворкина. М., 2000
24. Соловьев А.Б. Процессуальные, психологические и тактические основы допроса на предварительном следствии. М., 2002
25. Заленский В.Д. Организация расследования убийств. Краснодар, 2001
26. Криминалистика / Под ред. Н.П.Яблокова. М., 2003
27. Ручкин В.А. Оружие и следы его применения: Криминалистическое учение. М.: Юрлитинформ, 2003.
28. Осмотр место происшествия: Пратическое пособие / Под ред. А.И.Дворкина. М., 2000.

3. Норматив материаллар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011, -40 б.
2. Защита прав человека и борьба с преступностью. Документы Совета Европы. - М.: 1998. -221б.
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. -Т.: Адолат, 2004. -270 б.
4. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. // Инсон ҳуқуқлари. -Т.: 2008. -20 б.
5. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. // Инсон ҳуқуқлари. -Т.: Адолат, 1998. -80 б.
6. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. // Инсон ҳуқуқлари. -Т.: Адолат, 1998. -80 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари тўплами. -Т.: 2006 й. -627 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. -Т.: 1999-2005. -327 б.
9. Ўлим жазорини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Адолат, 2007.